

# (73499) 24-сон - ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тўғрисида

## ШАРТНОМАСИ

Андижон шаҳар

2022 йил "04" май

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмиглаш хамда иссилик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Андижон вилояти худудий филиали номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Мирзабоев бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "Нурафшон электр сервис" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Д.Абдужалилов иккинчи томондан "Андижон вилояти Асака тумани Мукумий МФЙ Мукумий қозонхонасини таъмилаш" ишларига обьектига доир мазкур шартномасини туздилар.

### I. Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ "Андижон вилояти Асака тумани Мукумий МФЙ Мукумий қозонхонасини таъмилаш" ишларига лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хulosasi олиб бериш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори (**2022 йил "04" апрелдаги «73499» электрон баённомаси**) билан тасдикланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда (ККС сиз ) 19 900,000 (ўн тўккиз миллион тўккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги холлар бундан мустасно:

Иш хажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;

ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аникланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, холат тўғрисида уч кунлик муддат ичига Буюртмачини хабардор килиш;

6. Буюртмачидан маҳфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иктисадий талабларга ва меъёлларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча конунларга риоя этилган холда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вактда ахборот бериш туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

10. Буюртмачи ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Бажарувчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни кабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

### IV. Ишларни бажариш муддати

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади. Ишларнинг бошланиши 2022 йил 04 апрел, тугатилиши 2021 йил 31 декабр Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр.

13. Танлов натижаси бўйича аникланган ишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **15** ни ташкил этади.

#### **V. Тўловлар ва хисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% микдорида, аванс ўтказади, бу 5 970,000 (тўрт миллион саккиз юз тўксон минг) сўмни ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган кисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул килингандан кейин тўлиқ хажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу хакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликтан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

19. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

#### **VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молияштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0.4 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

22. Бажарувчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.5 % микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод этмайди

23. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, молмулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пена билан қопланмаган заарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пена тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

#### Буюртмачи:

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмиглаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Андикон вилояти ҳудудий филиали

Андикон шаҳар, Ломоносов кўчаси 2-үй  
Ш/Х 100021860034017043700110004

ИНН 307 905 093

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Ғазничилиги

Банк МБ ББ ХККМ Тошкент

Х/Р 23402000300100001010

МФО: 00014

ИНН: 201122919

Индекс: 170132

Рахбар:

А.Мирзабоев

М.У. (имзо)



#### YURIDIK XULOSA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "XO'JALIK YURITUVCHI SUBEKTLAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY HUQUQIY BAZASI" TO'G'RI SIDAGI QONUNNING 21-MODDASIGA BINOAN USHBU SHARTNOMA HUQUQIY EKSPERTIZADAN OTKAZILDI.  
MAZKUR SHARTNOMA AMALDAGI QONUNCHILIK HUJJATLARI TAJAMURIGA MUVOFIQ TUZILGAN.

YURIST:

20.07.2017

#### Бажарувчи:

“НУРАФШОН ЭЛЕКТР СЕРВИС” МЧЖ

Андижон шаҳар А. Новоийшоҳ 100/102-үй

Банк: Хамкор банк Шахрихон филиали

Х/Р: 20 20 80 00 60 47 22 22 90 01

МФО: 00039

ИНН: 300 895 477

Индекс: 170100



Рахбар:

Д.Абдувалилов

М.У. (имзо)